

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

**436** Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2823*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 майдаги 239-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташилаётган товарларни божхона томонидан назорат қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

Тошкент ш.,  
2016 йил 19 август,  
01-02/12-58-сон

**3. ДУСАНОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил  
19 августдаги 01-02/12-58-сон қарорига  
ИЛОВА

**Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари  
тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал  
вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик  
асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 майдаги 239-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташилаётган товарларни божхона томонидан назорат қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими** (бундан буён матнда ДБҚ ЯААТ деб юритилади) — божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ва транспорт воситаларининг божхона назоратини амалга ошириш учун уларга доир хужжатлар ва маълумотларнинг киритилишини, ҳисобга олинишини ҳамда мониторинг қилинишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг автоматлаштирилган тизими;

**жўнатувчи божхона пости** — товарнинг тўлиқ туркуми ёки унинг қисмини божхона назорати остида ташиш бошланган божхона пости;

**манзил божхона пости** — товарнинг тўлиқ туркуми ёки унинг қисмини божхона назорати остида ташиш тугалланадиган божхона пости;

**божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат** — божхона ҳудудида божхона назорати остида олиб ўтиладиган товарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 47-бобига мувофиқ пул маблағларини божхона органининг шахсий ҳазна ҳисобварағига киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, гаров тўғрисидаги шартнома, банк кафолати, суғурта полиси ёхуд кафиллик ҳужжати;

**ваколатли шахс** — чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга

бўлган юк жўнатувчи, юк қабул қилувчи, ташувчи ёхуд бошқа манфаатдор шахс.

2. Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ҳисобга олиш ва назорат қилиш ДБҚ ЯААТ орқали амалга оширилади.

### **2-боб. Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ҳисобга олиш**

3. Чет эл товарларини ташиётган автотранспорт воситаларига нисбатан божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан озод қилиниши учун ваколатли шахс Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 47-бобига мувофиқ божхона тўловлари тўланиши таъминлангандан сўнг Ягона давлат интерактив хизматлари портали орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига (бундан буён матнда ҳудудий бошқарма деб юритилади) божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда тақдим этади.

4. Ҳудудий бошқарма ўн кунлик муддат ичида божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 47-бобида ўрнатилган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади. Зарур ҳолларда ҳудудий бошқарма божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатга алоқадор бошқа ҳужжат ва маълумотларни тегишли ташкилотлардан мустақил равишда сўраб олиши мумкин.

5. Божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 47-бобида ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлганда ҳудудий бошқарма мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган ўн кунлик муддат мобайнида божхона тўловлари тўланиши таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ДБҚ ЯААТга киритади.

ДБҚ ЯААТда ваколатли шахсга автоматик равишда идентификацион рақам бириктирилади ва Ягона давлат интерактив хизматлари портали орқали юборилади.

6. Божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 47-бобида ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлмаганда ҳудудий бошқарма мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган ўн кунлик муддат мобайнида ваколатли шахсга Ягона давлат интерактив хизматлари портали орқали сабабларини кўрсатган ҳолда чет эл товарларини ташиётган автотранспорт воситаларига нисбатан божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан озод қилиш рад этилганлигини маълум қилади.

7. Ваколатли шахс ҳудудий бошқарманинг чет эл товарларини ташиётган автотранспорт воситаларига нисбатан божхона ҳамроҳлигида кузатиб

боришдан озод қилиш рад этилганлиги тўғрисидаги қарори устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

8. Чет эл товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташишни бошлашдан олдин, ваколатли шахс Ягона давлат интерактив хизматлари порталидаги «Чет эл товарларининг ҳаракатига божхона тўловлари тўланишини таъминлаш» интерактив хизмати орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган, қуйидаги маълумотларни киритади:

мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ бириктирилган идентификацион рақам;

автотранспорт воситаси тўғрисида маълумот;

божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммаси.

9. Ягона давлат интерактив хизматлари порталидаги «Чет эл товарларининг ҳаракатига божхона тўловлари тўланишини таъминлаш» интерактив хизмати орқали киритилган маълумотлар ДБК ЯААТдаги форматли-мантиқий назоратдан ижобий ўтгандан сўнг автоматик тарзда ваколатли шахсга ҳар бир автотранспорт воситаси бўйича идентификацион код берилади.

10. Идентификацион код чет эл товарларини ташиётган автотранспорт воситаларига нисбатан божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан озод қилиш мақсадида божхона расмийлаштирувини амалга ошириш вақтида жўнатувчи божхона постига тақдим қилинади.

Идентификацион код Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 октябрдаги 307-сон «Автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизмати органларининг электрон тарзда олдиндан хабардор қилинишини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ электрон тарзда олдиндан хабардор қилишда тақдим этилиши мумкин.

### **3-боб. Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни назорат қилиш**

11. ДБК ЯААТда чет эл товарларини ташиётган автотранспорт воситаларига нисбатан божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан озод қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни бажаришнинг ҳар бир босқичида форматли-мантиқий назорат амалга оширилади.

Форматли-мантиқий назоратни амалга ошириш натижасида хатоликлар аниқланган тақдирда автоматик тарзда ваколатли шахсга тегишли маълумотлар уларни тўғрилаш учун юборилади.

12. Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш вақтида ёки электрон тарзда олдиндан хабардор қилишда тақдим қилинган идентификацион код орқали божхона пости ходими товарнинг кузатув ҳужжатларида

кўрсатилган маълумотлар билан ДБҚ ЯААТдаги маълумотларни солиштиради.

Солиштириш натижаси бўйича маълумотлар ўртасида номувофиқликлар аниқланмаган тақдирда божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан озод қилинган ҳолда божхона расмийлаштирувини амалга оширади.

13. Идентификацион код ва божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммаси товарни етказиб беришнинг назорат ҳужжатида кўрсатилади.

Битта автотранспорт воситасига қўлланилган божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммасидан ушбу автотранспорт воситасига нисбатан товарларни ташиш мажбуриятлари бажарилгунга қадар бошқа автотранспорт воситасига нисбатан божхона тўловлари тўланишини таъминлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

#### **4-боб. Яқуний қоидалар**

14. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

15. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

*Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири*

*Х. МИРЗАХИДОВ*

*2016 йил 19 август*